

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Таълим муассасаларида

БИЛИМЛИЛАР РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛ ОЛДИ



Мамлакатимизда ёш авлоднинг бой интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, келажги учун мустақам пойдевор яратишида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида мунтазам ўтказилаётган "Билимлар беллашуви", турли фан олимпиадалари муҳим аҳамият касб этапти. 5-, 8-синфларда таъ-

сил олаётган ўқувчиларнинг билимларини синовдан ўтказиш, ёшлар орасида соғлом рақобатни қарор топтириш, уларнинг маҳорат ва салоҳиятларини юзага чиқариш мақсадида 3 йилдан буён ўтказилаётган "Билимлар беллашуви"нинг вилоят босқичи Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

– Ушбу беллашувнинг қамрови йилдан-йилга кенгайиб борапти, – дейди Халқ таълими бошқар-

маси мутахассиси Ибодулла Абдуҳақимов. – Буни ўтган йили 600, бу йил эса 700 дан зиёд

ўқувчи вилоят босқичига етиб келгани мисолида ҳам кўриш мумкин. "Билимлар беллашуви" зукко болаларни саралаш билан бирга, ўша ўқувчи ўқиётган мактаб рейтингини ва унга бириктирилган фан ўқитувчисининг салоҳиятини аниқлашнинг ҳам қўл келаяпти.

Икки кун давом этган беллашувда ўқувчилар ижтимоий ва табиий фанлар кесимида диктант, ижодий баён ёзиш синовидан ўтишди, табиий, ижтимоий ва аниқ фанлардан тест топширишди. 76 дан 100 баллгача тўплаган 40 ўқувчи беллашув голиби бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Шу йилнинг 9-10 апрель кунлари "Ўзқўрғазмасавдо" марказида республика Марказий банки ташаббуси билан "BankExpo – 2014" кўрғазмаси намойиш этилади. Еттинчи марта ўтказилаётган мазкур кўрғазмада барча тижорат банклари, суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари банк-молия соҳасидаги энг замонавий технология ва хизмат турларини намойиш этишади.

КЎРҒАЗМА ТАЖРИБА МАЙДОНИГА АЙЛанаДИ

Кўрғазмани ташкил этишдан мақсад, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини банк-молия тизимининг сўнгги ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, янги технология ва хизматлар билан таништиришдан иборат. Вилоятимиздаги қатор банклар ҳам ўз стендлари билан иштирок этади.

Кўрғазма банк тизими ютуқлари ва истиқболлари ҳақида ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш, манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, умуман, мамлакатда банк иши ривожига ва аҳолининг банк хизматларига бўлган талабини тўла қондиришга қулай шароит яратди.

Хуришда НАЗАРОВА.

ЧИНОЗДА ШОИР ЁДИ

"Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Президент Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар, туманларида шоирлар, ёзувчи ва олимлар иштирокида бадиий-адабий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шундай учрашувлардан бири республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Чиноз туман ҳокимлиги ҳамкорлигида 14-Болалар санъат мактабида "Муҳаммад Юсуф – Ватан куйчиси" мавзусида ўтказилди.

Тадбирда таниқли шоир ва санъаткорлар иштирок этди. Саида РАҲМОНОВА.

Ижодий мулоқот

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси бўйича журналистлар олдига турган вазифалар вилоятимиз ижодкорлари масъулиятини янада кучайтирди. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда "Пискент ҳаёти" газетаси тахририяти ҳамкорлигида туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида давра суҳбати тарзида ўтказилган журналистларнинг анъанавий ўқув-амалий семинари айнан шу мавзуга бағишланди.

МУҲАРРИРЛАР УЧРАШИШДИ

Унда вилоят, туман ҳокимлиги вакиллари, шаҳар, туман газеталари бош муҳаррирлари, журналист ва ижодкорлар иштирок этишди. Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоирнинг "Соғлом бола йили" Давлат дастури оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мавзусидаги "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим муҳаррири Сайёра Рихсиеваннинг "Пискент ҳаёти" газетасининг 2013-2014 йиллардаги фаолияти таҳлили, "Пискент ҳаёти"нинг фахрий журналисти Собиржон Юносовнинг газета жамоати муҳбирлари ҳақидаги маърузалари ва иш-



тирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланган. Тахририятнинг фахрий журналисти Мамлакат Файзиёваннинг узок йиллик фаолияти эътироф этилиб, вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиги топширилди. Семинар қизгин мунозара, дилдан суҳбат тарзида ўтди. Ўз муҳбиримиз.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ПАЛАПАРТИШЛИК БЎЛМАГАНДА ЭДИ...»

Газетанинг 2014 йил 19 февралдаги 15-сонида юқоридеги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Қибрай туманидаги 4- ва 10-мактабларда қурилиш ишлари якунланмай қолиб кетгани ҳақида сўз юритилган эди. Тахририят ушбу мақола юзасидан вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б. Нурмухамедов имзоси билан жавоб хати олдди. Унда шундай дейилади:

"Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДЛКК Департаментининг Қибрай туман бўлими "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 19 февраль сонидеги "Палапартишлик бўлмаганда эди..." сарлавҳали танқидий мақоласи юзасидан вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қуриб берилган Қибрай туманидаги 4-умумтаълим мактаби учун V типдаги болалар спорт жамғармаси бўйича ва бошқа объектларда назорат ўлчови ўтказганида 61 миллион 780 минг 520 сўмлик бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилгани аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан 2012 йил 23 февралда вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-

дексининг 167-моддаси 3-қисми "а", "б" бандлари ва бошқа моддалар билан жиноят иши кўзга тушиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2012 йил 31 июлдаги ҳукмига кўра, ҳозир "Шамс" МЧЖ раҳбари Д. Байзақов ва номенал раҳбари Т. Бабаевага нисбатан қонуний кучга кирган ҳукмлари мавжуд. Жамият раҳбари Д. Байзақов ва бошқалардан солидар тартибда етказилган 130 миллион 944 минг 224 сўм зарар вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси фойдасига ундирилган бўлиб, зарар тўлиқ қопланган.

Вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан V типдаги спорт иншоотлари қуриб битказилиши режалаштирилган бўлиб, Қибрай туманидаги 4-умумтаълим мактаби учун V типдаги болалар спорт жамғармаси бўйича ва бошқа объектларда назорат ўлчови ўтказганида 61 миллион 780 минг 520 сўмлик бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилгани аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан 2012 йил 23 февралда вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-

коррупцияга қарши курашиш бўлими мутахассислари жалб қилиниб, назорат ўлчови ўтказилганда, "Строй Азия Абсолют" МЧЖ мансабдор шахслари 13 миллион 149 минг 904 сўмлик ишни ҳисоботларга қўшиб ёзгани аниқланган.

Ушбу ҳолат бўйича 2012 йил 28 июлда "Строй Азия Абсолют" МЧЖ раҳбари Х. Пўлатовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзга тушиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман судининг 2012 йил 13 декабрдаги Х. Пўлатовга нисбатан қонуний кучга кирган қарори мавжуд. Дастлабки тергов давомида етказилган 13 миллион 149 минг 904 сўмлик моддий зарар давлат бюджетига қайтарилган. Мақолада кўрсатилган волеёбол, баскетбол ва теннис корти офертада ва тендер савдосида кўрсатилмагани сабабли молиялаштирилмаган, шунга кўра, пудратчи "Строй Азия Абсолют" МЧЖ томонидан бажарилмаган. Қурилиш ташкилотлари томонидан етказилган моддий зарарлар вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси орқали давлат бюджетига қайтарилган".

ЎЗБЕКИСТОН МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДА

Илгари хабар берилганидек, халқаро экспертлар уюшмаларининг вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга

мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Жан БЛАНКОФФ, эксперт, Брюссель эркин университетининг фахрий профессори: – Ўзбекистонда ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам замонавий технологиялар ривожини нуктаи назаридан катта салоҳият бор. Муस्ताқил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистон ўз ривожланиш йўлини кўра олган мамлакат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар қарорларнинг қабул қилинишида, энг аввало, олдинга қўйилган мақсадларга эришишда мавжуд бўлган аниқ имкониятлар ҳисобга олингани намоян қилди. Президент Ислом Каримов етакчилигида узқон кўзлаган ички ва ташқи сиёсат юритилмоқда. Бугун мамлакат ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш ва жамиятини янада демократлаштириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон фол равишда миллий sanoatни ривожлантиришда, ўз бюджетининг салмоқли қисмини таълим тизими, илмфан ва соғлиқни сақлаш жаҳаларининг тараққиёти учун йўналтирилмоқда.

"Туркистон-пресс".

«Жаҳон» АА, Брюссель.

